

Англия Премьер-лигасида ифтор вақти ўйин тўхтатилди



15:00 / 29.04.2021 1694

Англия Премьер-лигаси тарихда биринчи бор мусулмонларнинг муқаддас Рамазон оyi муносабати билан ўйинни тўхтатди. Бу ҳақда mynamaz.ru манбаси хабар берди.

РБК хабарига кўра, Премьер-лиганинг 33-туридан ўрин олган «Лестер» - «Кристал Пелас» учрашувининг биринчи бўлим ўрталарида ўйин тўхтатилди ва рўза тутаётган «Лестер» ҳимоячиси Уесли Фофана ҳамда «Кристал Пелас» жамоасининг ярим ҳимоячиси Шейку Куйате рўзаларини очишлари учун вақт ажратилди.

Учрашув 2:1 ҳисобида «Лестер» жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Ўйиндан сўнг Фофана Премьер-лигага ва ўйиннинг барча иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди ва ўзининг твиттер саҳифасида: «Айнан шу воқеа футболни буюк қилади», деб ёзиб қолдирган.

«Лестер» бош мураббийи Рой Хожсон учрашувдан сўнг футболчиларнинг диндорлигида ҳеч қандай муаммо кўрмаганлигини айтди.

«Мен ўзларининг эътиқодига содиқ қолган кўплаб футболчилар билан ишладим ва айнан шу нарса уларга куч беради», - дея таъкидлади мураббий.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси